



Республикаимизга чет элдан келадиган баъзи туристларга тушуниб бўлмайди.
Мелибой ака, пенсионер, партизан

Жияним туристлар идорасида ишлайди, ўтган шанба куни уйга келиб: “Бу йил турист кўп, одам етишмаяпти, шахримизда икки кун тўхтайдиган бир меҳмон бор, карашиб юборинг”, - деб колди.

Пенсияга чиққанга энди саккиз ой бўлган, хали пенсияхўрликка ўрганганим йўк, зерикқангидан кампиримнинг ишларига аралашавериш уни ҳам, ўзимни ҳам хуноб қилиб юрган эдим, жиянимнинг илтимосига дарров кўндим. Мен ўн бир йил шу идорада кичик бир лавозимда туриб, пенсияга шу ердан чиққанман.

Шу ўн бир йил давомида кулогимга кирган калималар ўрнашиб, ундан бир сўз, бундан бир сўз чўкиб, тилга хавас пайдо қилганимда эса идора хизматчиларининг ёрдами билан китоб таталаб инглиз тилини унча-мунча билиб олдим. Инглиз тилига мойил бўлганим, албатта, тасодифий эмас, болалигимда Американинг таърифни кўп эшитганман: ана осмонтегар иморатлару, ана осма кўчалару...

Душанба куни янги банорас авра тўн ва яшил бахмал дўппимни кийиб идорага бордим. Жиянимнинг кабинетига озгин, тепакал, кўзлари оч одамнинг кўзидай ялтираб турган қирк беш ёшлардаги бир кимса ўтирган экан. Мен тахминан “меҳмон шу бўлса керак” деб инглизча салом бердим. Меҳмон қайрилиб қаради, бирдн, худди кўз кўрмаган ва кулок эшитмаган бир жониворни кўргандек, хайрон бўлиб секин ўрнидан турди, саломимга алик олишни ҳам эсидан чиқариб, менга бошдан-оёқ разм солди; мен ўзбекми эканимни, инглизчани қаерда ўрганганимни сўради; саволларига жавоб берганимдан кейин тўнимни, дўппимни ушлаб, соч-соқолимни тортқилаб кўрди. Жияним менга кўз қисиб “кўяверинг” дегандек ишора қилди.

Жияним мени таништиргандан кейин меҳмонни меҳмонхонага олиб бордим. Унга икки хоналик жуда яхши номер олиб қўйилган экан. Меҳмон номерни кўздан кечирди, ярқираб кўзни камаштираётган жихозларни бирма-бир ушлаб, силкитиб, тирноклаб, хидлаб кўрди. Мен бунга чандон эътибор қилмадим, чунки боя идорада инглизча гапирган ўзбекнинг ўзбеклигига ишонмай унинг либосини ушлаб, соч-соқолини тортқилаб кўрган кимса, хозир ўзбек меҳмонхонасидаги яхши жихозни қалбаки гумон қилса не ажаб! Чет элда хозир ҳам Ўзбекистонни мутлақо билмайдиган, ўзбекларни хануз кетига пўстак боғлаб, имо ишора билан гаплашадиган қабилла деб ўйлайдиган одамлар бор-ку! Меҳмон ўрнашди. Тушлиқдан кейин кўчага чиқдик. Меҳмон меҳмонхонанинг пештоқига соя солиб турган қари чинорни кўрсатиб:

- Жуда яхши дарахт экан, инқилобдан кейин эқилган бўлса керак? – деди.

Чинорнинг бирон юз эллик йил умр кўрганлиги кўриниб тургани холда меҳмоннинг бу

гапи менга малол келди. Бу одам идорада нима учун соч-соколимни торкилаб кўрган бўлса, хозир айна шу максатда. Яъни канчалик рост гапиришимни билмок учун дилимни титкилаб кўрмоқда эди. Жиним кўзгади-ю, мен ҳам уни чўпга илиб ўйнагим келди.

- Ха, инкилобдан кейин экилган, - дедим ва бир оз туриб, мехмон мени “аравача” килганига ўзида йўк хурсанд бўлиб гердайиб турганида илова килдим, - биринчи инкилобдан анча кейин экилган, - дедим.

Мехмон тушунолмади.

- Сизларда икки марта инкилоб бўлганми? – деди шошиб. – Биринчиси қачон бўлган? Канака инкилоб?

- Бундан юз йилча бурун, - дедим. – Мен русларнинг келишини биринчи инкилоб деб биламан.

Мехмон бошка гап сўрамади, фотоаппаратини гилофидан олиб, йўл-йўлакай унга-бунга тўгрилади, лекин биронта ҳам сурат олмади. Бирдан кўчанинг ўртасида чимматсиз паранжи ёпинган бир кампир пайдо бўлиб колди. Кампир худди шахарнинг хокимидай ҳеч кимни, хатто милитсиянинг хуштагини ҳам писанд килмай хассасини катта-катта ташлаб келмоқда эди. Мехмон югуриб кўчанинг ўртасига чикди, кампирни каршилаб чўккалади, уни рўпарадан, ёнбошдан, оркадан бир неча марта суратга олди:

сураткашликда ўта жон куйдирганидан ўпкаси огзига тикилиб, ўтиргани жой излаб колди. Паркка бошладим. Кахвахонага кирдик. Бир паёла кахвадан кейин мехмон ўзига келиб, кўйин дафтарини олди, ундаги планга узок караганидан кейин:

- Шахрингизнинг бошка диккатга сазовор жойларини эртага кўрамиз, бугун менга Рексуллохи Ансорийнинг макбарасини кўрсатсангиз бас. Макбара шу атрофда бўлиши керак, - деди.

Рексуллохи Ансорий... Болалигимда Рексбува деган ном кулогимга кирган, ўша вақтда паркнинг мана шу ўнг канотидаги тепалик – хозирги театр биноси тушган жой – гўристон бўлиб, унинг кок ўртасида Рексбува деган мазор – дахма бўлар эди. Бир оз ташвишга тушдим: борди-ю, Рексуллохи Ансорий дегани бирон мўтабар зот бўлса, буни узок юртдан келган бир сайёх билса-ю, биз билмасдан макбарани бузиб ташлаган бўлсак... Бундан хунуги борми! Бирон найранг ишлатиб бу нокулай ахволдан чикиш йўлини кўзладим, лекин ўйлаб-ўйлаб “енг яхши хийла – тўгрилик” деган карорга келдим-да, Ансорий тўгрисида билганларимни айтиб:

- У киши шахримиз тарихида қандай ўрин тутган эканлар? – дедим.

Мехмон саволимга жавоб бера олмади. Шундан кейин ўлкамизда жахонга машхур бўлиб ўтган бир канча кишиларнинг номини айтиб, мехмонни “чакмоқлаб” кўрдим. Йўк, мехмон бу одамлардан биронтасини, хатто Ибн Синони ҳам эшитмаган экан.

Рексуллохи Ансорий ким, унинг нима фазилати ё қасрати борлигини билмаган холда бу одам нега унинг номини кўтариб юрибди, нега унинг макбараси керак бўлиб қолибди – шунга кизиқдим. Мехмон бу ҳақда берган саволларимга жавоб бермасдан илжайиб туриб-туриб, тўсатдан:

- Думли одамларни кўрганмисиз? – деди.

Мехмон гапнинг сархонасини янгиламокчи деган ўйда кулиб кўя колдим.

Бирок кахвахонадан чикиб, театр биносининг атрофини айланиб юрганимизда мехмон буткул жиддий бир тарзда яна думли одамлар ҳақида сўз очди. Узун сўздан хулоса чиқариб, ер юзидаги халқлар тараккиёт зинасининг турли боскичида, бирон боскичда турган халқ орасида ўтган боскич кишилари кўриниб колса, бунга табиий бир хол деб караш керак, деган фикрни айтдим. Мехмон бу гапнинг туб маъносига тушуниб етмади.

Кўчага чикдик. Мехмон яна Ансорийдан гап очди. Шунда кўнглимга бир гап келди: бу одам ўша Ансорийни думли одамлар тоифасидан деб ўйламасмикан?

Худди айтганим чикди. Мехмоннинг отаси илгари ўртачарок бир ширкатнинг бошлиги бўлиб, ширкат сингандан кейин умрининг охирини антропологияга багишлаган, ундан кўп кўлёмалар, жумладан мана шу кўйин дафтари колган, шу дафтар ва бошка хужжатларда айтилишига караганда, Рексуллохи Ансорий думли одамлар тоифасидан экан. Яна бир мўтабар кимса Рексуллохи Ансорий макбараси атрофида hozir хам думли одамлар яшамоги эҳтимолдан холи эмас, деган экан.

Жоним халкумимга келди. Лекин ўзимни босдим. Шу атрофдаги хамма кўча ва тор кўчаларни кезиб чикдик. Мен каёкка бошласам мехмон юрмайди, тескари томонга йўл олади: тез-тез тўхтаб хаммага, хусусан атлас кўйлак кийган хотинларга оркадан зехн солади, афтидан, думли одам кидиради. Мехмон билан гаплашиш эмас, унинг афтига карагим келмас эди.

Кайфиятимни билантириб кўймаслик учун ноилож сўз котдим:

- Жаноблари ота касбини ушлабдилар-да? – дедим.

- Йўк, мутлако, - деди мехмон. - Мен журналистман!

- Антропологияга кизикмасангиз, сизга думли одамнинг нима кераги бор?

- Менинг газетамга керак! – деди мехмон. – Хеч бўлмаса биронта думли одамнинг суратини олиб борсам дейман. Жуда шов-шув бўлар эди... Ёрдам ваъда килолмайсизми? Мен ўйлаб кўрмокчи бўлдим. Мехмон жуда кувониб кетди. Овкатдан кейин мехмон дам олгани ётогига кирди. Мен бутун захримни жиянимга тўккани идорага бордим. Жияним воқеани эшитиб кулди, мени жахлдан туширди. “Юрагингизни кенг килинг, тога, йўловчи хар бир хурган итнинг кетидан кува берса, манзилга қачон етади, деган бор, сизнинг вазифангиз мехмонни истаган одами билан гаплаштириш, истаган ерига олиб боориш. Бундан ташкай бу одам сизга омонат, омонатга хиёнат килмасдан, кўлимга сог-саломат топширингиз керак”, - деди. Жахлимдан тушдим.

Кечкурун мехмонни концертга олиб бордим. Мехмон залга кириши билан яна ўша муддаода одамларга хар томондан разм сола бошлади, бекасам тўн кийган бир мўйсафиднинг кетига тушди. Хайрият, чирок ўча колди-ю, бориб жойимизга ўтирдик. Мехмонга концертга кизикмади, мудраб ўтирди, аломат бир ўйин бўлаётганда хатто хуррак отиб юборди. Шунинг учун концертнинг иккинчи бўлимига колмадик, эртага учрашадига бўлиб, мехмонхона олдида хайрлашдик. Эртасига келишим биланок мехмон: “Кечаги гапимиз нима бўлди, ёрдам берасизми?” деб сўради. Мен бу ҳақда хеч бир қарорка келмаганлигимни айтдим. Шундок бўлса хам мехмон ёрдам беришимга амин эканлигини билдириб, олдиндан ташаккур маъносида елкамга қокиб кўйди ва театр атрофидаги хонадонлардан биронтасини кўришга орзуманд эканини билдирди. Мен унинг муддаосини фахмладиму, ўша томонларга олиб бордим ва орка кўчадаги рўпара келган ховлига бошладим. Мехмон апаратини бўйнидан олди ва хаяжон ичида остонадан хатлади. Кирган эшигимиз hozir участка деб аталадиган оддий, лекин мевазор, гулзор, ниҳоятда дидли, хавасли одамларнинг ховлиси экан. Ўрта ёшлардаги бир хотин сарик луччак шафтоли тераётган экан, бизни кўриб шотидан тушди, сўрашди, елиб-югуриб супага жой килди, дастурхон ёзди. Бир неча хил шафтоли келтириб кўйди. Мехмон гох менга, гох хотинга қарар, гох унинг орка этагига разм солар эди. Хотиннинг ўгли врач, келини ўқитувчи, hozir иккови хам ишда экан. Мехмон хафсаласи совиб, фотоапаратини бўйнига осди-ю, аламини шафтолидан олди, умрида бунака шафтолини кўрмаган бўлса керак, роса еди. Шу чок унинг кўзи деворнинг тагида кунишиб турган

касал жўжахўрозга тушди. Унинг оёклари узун, бўйнининг пати тўкилиб кип-кизил гўшт бўлиб колган, ўзи нихоятда орик эди. Мехмон дарров кўлини артди, фотоаппаратини бўйнидан олди, жўжахўрозга жуда якин бориб чўккалади: жўжахўроз бошини кўтариб хайрон бўлиб турганда бир неча марта суратга олди. Чой кўтариб келаётган хотин “вой, суратга оламан десалар яхши товукларимиз бор, бу касал эди-ку” деганича колаверди. Аччигим келди, лекин мумкин қадар мулойимлик билан:

- Жўжахўрознинг сурати ҳам газетага керакми? – деб сўрадим.

Мехмон жавоб бермади, “кетдик” деб ишора килди. Хотинга ташаккур изхор килдим. Кўчага чикдик.

Мехмон бу ховлига, хотиннинг мехмондўстлигига шубха билан каради шекилли, хотиннинг мехмондўстлигига шубха билан каради шекилли, бир неча ховлига ўзи бош тикди. Мен ҳам кўйиб бердим, оркасида кирмадим, чунки унга таржимон керакмас, одамларнинг орка этагига разм солишдан бошка иши йўк...

Самоварда ўтириб, бирпас дам олдик. Мехмон кўзимга хунук кўрина бошлади: ким айтади, буни осмонтешар иморатларни кўрган, осма кўчаларда юрган одам деб! Диккат бўлдим. Папиросни аллақачонлар ташлаб юборган эдим, шу топда битта сўргим келди-ю, папирос олган магазинга кирдим. Билмадим, магазинда канча туриб колдим экан, кайтиб чиксам мехмон йўк. Бирпас кутдим, кейин юрагим ховликиб, у ёк бу ёкка карадим.

Кидирдим. Йигирма-йигирма беш минутнинг хар бири биттадан сўг тишимни сугуриб олгандек бўлиб ўтди. Бу касофат бирон ховли ёки бирон кўчага кириб, гумонсираган одамига “думингни кўрсат” деса, бунака хазилни биров кўтаради, биров кўтармайди... Бир соатдан ортик кидирганимдан кейин автоматдан жиянимга телефон килдим, воқеани айтдим. Жияним товушидан ташвишда колгани сезилиб турса ҳам, менга тасалли берди ва “йўкотган жойингиздан узокка кетманг”, - деди. Самоварда яна бир неча минут ўтирдим. Нариги кўчадаги мачитнинг ярми кулаган мезанасига кўзим тушди. Бу касофат шунинг суратини олгани бормадимикин? Ўша ёкка бордим. Мачитнинг ичини, атрофини карадим, одамлардан сўроқладим – йўк. Самоварга кайтай деб турганимда ён кўчадан карнай-сурнай, кийкирик билан икки машина куёв-навкар чикиб колди.

Олдиндаги машинада лунжини шишириб сунрай чалаётган сурнайчининг ёнида туриб, беўхшов ўйинга тушаётган олабайрок тўн кийган бир кишига кўзим тушди, синчиклаб карасам – мехмон! Суюниб кетдим. Югуриб бориб машинанинг олдини тўсдим. Мехмонга харчанд “туш” деб ишора киламан, кани энди кўнса – менга караб нукул муком килади. Кайфи баланд. Машинада таниш одамлар бор экан, кўймасдан мени машинага тортиб олишди. Мехмоннинг машинадан тушиш нияти бўлмагани учун машинани тўхтатиб жиянимга телефон килдим.

Таниш одамларнинг айтишига караганда мехмон нима бўлиб тўйхонага кириб колибди. Одамлар унинг чет элдан келган мехмон эканини билиб тўрга ўтказишибди, тўн кийгизишибди, ўйинчилар уни ўйинга тортишибди.

Келиннинг уйига келдик, зиёфат зўр бўлди, ўйин-кулги жуда кизиди. Мехмон бу ерда ҳам анча ичиб кўйди. Шу ердаги достор болалар менинг ташвишда колганимни пайкаб, мехмонни хушига келтириб беришди. Мехмон хушига келганидан кейин яна айниди: яна думли одам кидириб хаммага зехн сола бошлади. Шундан кейин “сиз овора бўлманг, жаноб, думли одамни эртага ўзим топиб бераман” дейишга мажбур бўлдим. Мехмон мени ўпди, саломатлигимга устма-уст икки рюмка отди...

Ерталаб мехмонхонага келсам мехмон ланж бўлиб ётибди, ланжки, хеч айтгулик эмас. Шундок бўлса ҳам, лаънати, кўзини очиши билан кечаги ваъдамини сўради. Мен уни

пастга олиб тушиб, аччик чой ичирдим, нордон нарсалар егиздим, ичкилик захри бироз синиб таъби очилганидан кейин думли одам деб бекор овора бўлиб юрганлигини тушунтиришга ҳаракат килдим. Мехмон хафа бўлди.

- Сенинг хукуматинг бутун мамлакат устига темир парда тортган! – деди.

Бунга гап уктириш, коронгу уйга кесак отгандек гап эди. Шунинг учун ён берган бўлиб, ёлгондан ўйлаб колдим-да, чукур хўрсиниб:

- Шуни билар экансиз, нима киласиз мени кийнаб? – дедим.

Мехмон чехраси очилиб яна ёлворди:

- Мен сизга битта думли одамни кафасга солиб бер, олиб кетаман деяётганим йўк.

Узоқдан корасини кўрсатсангиз бас, менинг аппаратим икки километрдан олади!

У десам у деди, бу десам бу деди – ҳеч бўлмади, ниҳоят “сени думли одамларга йўлатиш кўлимдан келмайди, хатарли, хоҳласанг аппаратингни бер, биладиган, удда киладиган ишончли кишига айтиб, биронта думли одамнинг суратини олдириб бераман” дейишдан бошка чора колмади. Мехмон хурсанд бўлиб, аппаратини кўлимга тутказди. Ўзи ланж бўлгани учун тушгача ётиб дам олмокчи эканини айтди. Мен тушдан кейин келадиган бўлиб кайтдим. Тушдан кейин келсам, мехмон хануз ланж, ётган экан, лекин аппаратини тегишли одамга топширганимни, у киши бутун лентани думли одамга тўлдириб беришни ваъда килганини эшитиб ўрнидан туриб кетди.

- Лекин шарти бор, - дедим, - омонатингизни факат кетадиган вақтингизда, самолётга чиқаётганингизда беради.

- Эртага, эртагаёк жўнайман! – деди мехмон.

Келишувга мувофиқ шаҳарнинг диккатга сазовор жойларини кўргани чикдик. Кун кайтгунча юриб, кўп тарихий ёдгорликларни кўрдик, тўгон-кўлга бордик, шаҳримизнинг кўрки бўлган янги кўчалар, майдонлар, хиёбонларни кездик, музейларга кирдик.

Мехмоннинг бирон нарсага кизикканини, бирон жойда тўхтаб, бирон нарсага караганини кўрмадим. Хамма нарсага ўшшайиб қарар, қаёкка в анима учун кетаётганини, нима килиб юганини ўзи ҳам билмас, афтидан, кунни кеч килишдан бўлак муддаоси йўк эди.

Маданият ва истироҳат боғига кирдик. Мехмон ҳеч бўлмаса шу бокка, хусусан гулу гулзорга кизикар деб ўйладим, чунки шаҳримиз бу бокка жуда бино кўйган. Йўк, гулзорга мехмон кайрилиб ҳам карамади, унинг диккатиини жалб килган бирдан-бир нарса боғнинг бир чеккасидан оқаётган анхор бўлди. Бунинг нимасига кизикди экан деб карасам, лой сув киргоқдан тошгудек бўлиб, шох-хашак ва яна алланима балолар окиб келаётибди. Биров сугориш максатида тўгон солган, сув тўгонни уриб кетган бўлса керак. Мехмон ифлос сувга худди сичконни кўриб колган мушукдек бутун вужуди билан қарар, чамамда фотоаппарати ёнида бўлмаганидан афсусланар эди; боғдан чикиб мехмонхонага томон кетаётганимизда эски-туски йигиб юрган эшак аравани кўрганида ҳам худди шу холга тушди.

Мехмонхона кўчасига кайрилганимизда мехмоннинг газетасига кўл келадиган яна бир ходиса рўй берди: шу кўчадан гизиллаб чиккан “Москвич” каттакон бир сарик итни уриб ўтди. Ит вангиллаб икки-уч юмалади, туришга интилиб туролмади, ётиб типирчилади. Мехмон гох бошини кўтаришга уриниб, гох оёқларини силкиб жон бераётган итга якин бориб, беихтиёр чўкка тушди ва аппарат излаб ёнини пайпаслади.

Мехмон эртасига жўнайдиган бўлди. Думли одамлар сурати олинган фотоаппаратни кора коғозга ўраб аэропортга олиб чикдим ва кўйнимдан бир чеккасини чиқариб кўрсатдим. Мехмоннинг кўзлари ёниб кетди. Хилватга бордик. Мехмон аппаратини олиб катак сумкасига жойлади-ю, чонтагидан бир даста пул чиқарди.

- Сизнинг хакингизни ўзим билиб бераман, - деди, - у киши билан неча пулга гаплашгансиз?

- Пул тўгрисида hozир гаплашмаймиз, - дедим, - аввал суратларни чиқариб кўринг, ана ундан кейин ўзингиз нарх бичиб юборарсиз.

Мехмон яба миннатдорчилик бирдирди. Самолётга чиқди, самолёт Тожикистонга қараб йўл олди. Ким билади, мехмон юртига боргунча сабри чидармикин. Тожикистондаёқ лентани чигарар, чиқарса думли одамлар ўрнида ўзини кўради: мен аппаратни мактаб тўғарагига катнаб, фото ишида машини роса қилган кичик ўғлимга бериб, “мехмон икковимиз шаҳар айланамиз, сен кетимиздан юргин, қаерда чап оёғимни кўтарсам, мехмоннинг яққа ўзини суратга олаверасан”, деган эдим. Бир қанча жойда, жумладан, мехмон анхор бўйида, эски-туски йигиб юрган эшак арава ёнида ва жон бераётган итнинг устида турганида чап оёғимни кўтарган эдим. Ўғлимнинг ўзи хушёр бола, галати-галати пайтларни топган бўлса керак. Мен бу нарсани жиянимга айтмадим, айтсам ҳам уришмаса керак, чунки мехмонга озор берганим йўқ, ниҳоят юзига ойна тутдим.